

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САФАРОВ НАВРЎЗ БАХТИЁРОВИЧ

**ТИЗЗА БЎҒИМИ ОСТЕОАРТРИТЛАРИДА АРТРОСКОПИК
ДЕБРИДЕМЕНТ ВА ЧУҚУР ТУННЕЛИЗАЦИЯ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Сафаров Наврўз Бахтиёрович

Тизза бўғими остеоартритларида артроскопик
дебридемент ва чукур туннелизация усуллари
кўллаб даволашни такомиллаштириш..... 3

Сафаров Навруз Бахтиёрович

Оптимизация лечения остеоартритов
коленного сустава с применением артроскопического
дебридемента и глубокой туннелизации..... 21

Safarov Navruz Bakhtiyorovich

Improving the treatment of osteoarthritis of
the knee using arthroscopic debridement and
deep tunneling..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САФАРОВ НАВРЎЗ БАХТИЁРОВИЧ

**ТИЗЗА БЎҒИМИ ОСТЕОАРТРИТЛАРИДА АРТРОСКОПИК
ДЕБРИДЕМЕНТ ВА ЧУҚУР ТУННЕЛИЗАЦИЯ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.2.PhD/Tib1100 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институти ва Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертациянинг автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш (www.uzniito.uz), «Ziyonet» Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) ва Миллий ахборот агентлиги веб-саҳифаларида (www.uza.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ирисметов Муроджон Эргашевич
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Валиев Эркин Юлдашевич
тиббиёт фанлари доктори

Умаров Файзулла Хабибуллаевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 рақамли илмий кенгашининг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru).

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



А.М.Джураев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор


У.М.Рустомова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим


А.П.Алимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда ер юзида яшайдиган «.....аҳолининг 20%и бўғимларидаги оғриқ ва ҳаракат чекланишларига шикоят қилади...»¹. Тизза бўғимидаги дегенератив-дистрофик ўзгаришлар ривожланиши асосан аҳолининг ишга лаёқатли қатлами орасида учрайди. Хусусан, «... остеоартритлар билан 86% ҳолатда ишга лаёқатли аҳоли касалланади, шундан 6,5-14,6% ҳолларда ушбу касаллик ногиронликка олиб келади»². Тизза бўғими остеоартрити (ТБОА) бўғимлар дегенератив-дистрофик касалликларининг умумий касалликлари орасида кенг тарқалган ва етакчи ўринни эгаллайди.

Жаҳонда ТБОАни ташҳислаш, артроскопик усулларни қўллаб даволаш ва асоратларини олдини олиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, шу жумладан, тизза бўғими артротомияси усули, остеоартрози ва суяк ўқи қийшиқ бўлган беморларда катта болдир остеотомияси усули, артротомия бўғим дебридементи усули ишлаб чиқилмоқда. Артроскопик тизза бўғими дебридементи усули ва артроскопик лазер ёрдамида дебридемент усули такомиллаштирилмоқда. Плазмотерапия абиляцияси усуллари амалиётлари жорий этилмоқда. Бундан ташқари ҳозирги кунда суяк – тоғай алло ва аутотрансплантациялари, суяк усти пардасини кўчириб ўтказиш, тоғай қаватини тиклаш усуллари, хондроцитлар трансплантацияси усуллари устида ҳам кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Бўғим ичи структуралари жароҳатларида ҳамда тоғай юзалари пластикалари ишлаб чиқилмоқда, хондромалация соҳалари чуқур бўлган ҳолатларда артроредуляр шунтлаш, тизза бўғими эндопротезлаш каби жаррохлик усуллари такомиллаштирилмоқда. ТБОА оператив даволашда артроскопик дебридемент ва туннелизация усулларини такомиллаштириш, улар самарадорлиги ва олис натижаларини яхшилаш, бўғим синовиал суюқлиги патологик ўзгаришларини ўрганиш, касалликни даволашда патогенетик ёндашиш каби муаммолар бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Республикамызда ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, кенг тарқалган касалликлар, шу жумладан ортопедик касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан биридир. Бу борада мамлакатимизда тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини, юқори технологик тиббий хизматни ривожлантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, уларга «...аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш...»³ юзасидан муҳим вазифалар киритилган.

¹Бадоев А.В., Тушиов Б.Б. Опыт лечения гонартроза инъекциями лекарственных препаратов путем внутрисуставной пункции // Вестник Бурятского государственного университета. - 2015. - №12. - С.148-150.

²Шевцов В.И., Карасева Т.Ю., Карасев Е.А. Современные технологии лечения больных с деформирующим артрозом коленного сустава // Гений Ортопедии. - 2009. - №3. - С.17-24.

³ Постановление Президента Республики Узбекистан от 19 декабря 2018 года ПП-№4063 «О мерах профилактики неинфекционных заболеваний, поддержке здорового образа жизни и повышению уровня физической активности населения»

Катта ёшдаги беморларда учрайдиган ТБОА ва улар асоратлари ортиб боришига барҳам бериш, эрта ташҳисни амалга ошириш, ТБОА оператив давосида артроскопик дебридемент, чуқур туннелизация усулларини қўллаш, бўғимдаги синовиал суяқлик патологик ўзгаришларининг касаллик шаклланиши ва ривожланишидаги ўрнини аниқлаш бугунги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон «Юқори шошилиш тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакалогия» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ТБОА бўғим дегенератив-дистрофик касалликлари орасида 50,6% ҳолларда учрайди, шундан 16,6% ҳолатда икки томонлама характерга эга (Metcalfе A.J., Stewart C., 2013; Deera Kumar, 2015; Yong-Chun Lu et al., 2018). ТБОА йирик бўғимлар касаллиги билан оғриган беморларнинг 54,5%ини ташкил этади (Макушин В.Д., 2001). Артроскопия менисклар порциал резекцияси ва тоғайда патологик ўзгаришлар бўлганда мезенхимал стимуляция, дебридемент, субхондрал туннелизация каби муолажалар оғриқ ҳиссини камайтириши, бўғим фаолияти компенсация босқичи давомийлигини узайтириши, дегенератив-дистрофик жараёнларни тўхтатмаслиги, бўғим ҳалтаси ва субхондрал суякдаги иккиламчи ўзгаришлар тўлиқ ўзгармаслиги исботланган (Тарасенко Л.Л., Тарасенко Т.С., 2008). ТБОАда глюкокортикостероид ҳамда хондропротекторларни тизза бўғимига инъекция тарзида юбориб даволашни таклиф қилинган (Бадоев А.В., 2015). Артроскопик санация дегенератив касалликларда қўлланилганда ёши катта беморларда кам травматик, қон кетмаслиги, тез тикланиши, самарадорликнинг юқорилиги ва иқтисодий жиҳатдан ҳам қулай деб ҳисоблайдилар (Yong-Chun Lu et al., 2018). Хозирги кунга келиб тизза бўғими касалликларининг терминал босқичларида боғлов аппарати ностабиллиги, тизза бўғими варус-валгусли деформацияларида эндопротезлаш операциялари оптимал ҳисобланади (Касарева М.А. 2018).

Мамлақтимизда биринчилардан бўлиб, Ҳамраев А.Ш. (2001) артроскопиянинг менисклар жароҳатидаги ва тизза бўғими

диагностикасидаги афзалликларини исботлаб берган. ТБОАда тизза бўғими элементларидан бирининг жароҳатланиши артроскопик дебридемент ва субхондрал туннелизацияга кўрсатма бўлиши исботланган (Ирисметов М.Э., 2015). Тизза бўғими ёзувчи аппарати контрактурасини хирургик даволашни такомиллаштириш бўйича жарроҳлик усули ишлаб чиқилган, ушбу усул тизза бўғими тоғай қаватининг тикланишига ижобий таъсир этган (Ирисметов М.Э., 2016). Касаллик эрта босқичида ташхисланиб, оператив даволанса, асоратланиш камайиб, тузалиш эҳтимоли шунча кўп бўлади. Касалликнинг охириги босқичларда оператив реконструктив даволаш усуллари такомиллаштирилган (Каримов М.Ю., Хамраев Ш.Ш., 2009). Холмуродов У.Т. (2019) томонидан ТБОАнинг эрта ва ўткир даврида артроскопик муолажа бажарилганда, касалликнинг ривожланиш даражаси камайишини исботлаган.

Бўғимда дегенератив дистрофик жараёнлар бўғим охириги билан бирга ривожланишида, суяк субхондрал қисми минерал таркиби ва синовиал суюқлик электролит балансининг ўзгариши, синовиал парда гиперплазияси исботланган, электролитларнинг асосий кўрсаткичи кальций ва фосфат ионлари суякда ва синовиал суюқликда ўзаро боғлиқлиги турли йўналишларда ўзгариши, суякларда калций ва синовиал суюқликда фосфат ионлари камайд. Остеоартрит ривожланишида синовиал суюқликда гиалурон кислота ва γ_1 -глобулин фракцияси камайд, оксил концентрацияси ошади (Каримов М.Ю., 2013; Матвеева Е.Л., 2016; Metcalfe A.J., 2013). Бир неча йиллар давомида Г.А. Илизаров академиясида ТБОА даволашда бўғимдан ташқари ревазуляризацияловчи бўғим субхондрал туннелизацияси устида иш олиб бориб ижобий натижаларга эришган (Макушин В.Д., 2014). Мазкур касалликнинг жарроҳлик йўли билан даволашнинг кам инвазив эндоскопик усуллари жорий этиш ҳозирги кунда жаҳон тиббиётида белгилаб берувчи йўналиш ҳисобланади. Шунинг учун ТБ артроскопияси ҳозирги кунда ОА нинг дастлабки босқичида жарроҳлик даволашнинг асосий усули ҳисобланади (Лисицына Е.М., 2016). Сўнгги йилларда баъзи муаллифлар ТБОА давосини суяк–тоғай алло- ва аутотрансплантациялари, суяк усти пардасини кўчириб ўтказиш, тоғай қаватини тиклаш усуллари, хондроцитлар трансплантацияси усуллари билан амалга оширишни тавсия қиладилар (Айрапетов Г.А., 2017). ТБОА оператив даволашда артроскопик муолажаларнинг турли усуллари кўллаш, улар самарадорлиги ва олис натижаларини ўрганиш, бўғимдаги синовиал суюқликдаги патологик ўзгаришлар, уларнинг касаллик патогенезида тутган ўрни, асоратларнинг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар бўйича илмий изланишлар олиб борилишини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти ва Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Тизза бўғими

остеоартритларида артроскопик дебридемент ва чуқур туннелизация усулларини қўллаб даволашни такомиллаштириш» (2019-2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: ТБОА билан касалланган беморларда артроскопик дебридемент ва чуқур субхондрал туннелизация қилиш усулларини қўллаб, даволашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ТБОА бўлган беморларда артроскопик дебридемент натижаларини проспектив ўрганиш ва баҳолаш;

тизза бўғимида турли даражадаги остеоартрит ташхисланган беморларда бир вақтнинг ўзида артроскопик дебридемент, чуқур субхондрал туннелизация қилиш ва улар натижаларини баҳолаш;

тизза бўғими остеоартритини оператив даволашгача ва ундан кейинги тизза бўғими синовиал суюқлиги таркиби ўзгаришларини ўрганиш ва шу орқали ушбу касаллик истикболини аниқлаш;

турли даражадаги ТБОАни даволашдан кейинги яқин ва узоқ муддатли натижаларни ўрганиш ва ушбу нозологик бирликнинг даражаларига қараб комплекс даволаш усули бўйича алгоритм ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослашган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт маркази клиникасида даволанган 189 нафар (21-70 ёш) турли даражадаги ТБОА бўлган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ТБОА бўлган беморларда ўтказилган клиник-инструментал (клиник, гониометрик, рентгенологик, рентгенденситометрик, МРТ, артроскопик) текшириш натижалари, беморлардан олинган синовиал суюқлик лаборатор таҳлил натижалари ва статистик маълумотлар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга ошириш давомида клиник, гониометрик, рентгенологик, рентгенденситометрик, МРТ, биокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

тизза бўғими остеоартритларини даволаш учун комплекс артроскопик дебридемент ва суяк кўмиги каналигача ўтказилувчи ҳамда оғриқ хиссини пасайтириш имконини берувчи чуқур субхондрал туннелизация усули ишлаб чиқилган;

тизза бўғими остеоартритларида клиник, гониометрик ва инструментал текширув натижаларига асосланган клиник-ташхисий мезонлар операция усулини танлаш тактикасини белгилаб бериши исботланган;

тизза бўғими остеоартритларида операциядан кейинги даврда бўғим суюқлигида каталаза ферменти фаоллигиния камайиши, глутатионредуктаза ва супероксиддисмутаза каби ферментларнинг ҳамда оксил ва фосфолипидларнинг ошиши аниқланган ва уларнинг хондромалаяция ўчоқларини тиклашда имкон бериши исботланган;

тизза бўғими остеоартритларини даволаш учун ишлаб чиқилган комплекс артроскопик дебридемент ва чуқур субхондрал туннелизация усули операциядан кейинги даврда шина ва фиксацияловчи воситалардан воз кечиш ва бўғим фаолиятини эрта реабилитация қилиш имконини бериши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фаолияти давомида артроскопиядан фойдаланувчи мутахассислар учун ТБОАнинг турли даражаларида клиник ва инструментал текшириш натижаларига қараб ишлаб чиқилган, 5 турдаги артроскопик оптимал операция усулларини танлаш тактикаси ва клиник-ташҳисий алгоритм тавсия этилган;

ТБОА бўлган беморларда ишлаб чиқилган алгоритм асосида бажарилган юқори самарали кам инвазив комплекс жаррохлик амалиёти оператив муолажадан кейин иммобилизацияга мухтожликнинг йўқолиши, оғриқ синдромининг пасайиши ёки тўлиқ йўқолиши каби натижалар бериши исботланган;

ТБОАни даволашда ишлаб чиқилган артроскопик дебридемент ҳамда чуқур субхондрал туннелизация усули беморларда бўғим фаолиятининг эрта тикланиши исботланган;

тизза бўғими синовиал суюқлиги биокимёвий таркибини ўрганиш оператив даво ўтказиш муддатларини белгилаш имконини берган, бу эса ўз навбатида касаллик истиқболини эрта аниқлаш, асоратлар ривожланишини олдини олиш учун имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий ишда қўлланилган усуллар, тадқиқот беморлари сонининг етарлилиги, клиник, гониометрик, рентгенологик, рентгенденситометрик, магнитно-резонанс томография ва синовиал суюқликнинг биокимёви таҳлили текширувлари микдорининг етарлилиги, олинган натижаларнинг статистик таҳлиллар ёрдамида тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тизза бўғими остеоартритларини даволаш учун ишлаб чиқилган артроскопик дебридемент ва чуқур субхондрал туннелизациянинг ишонарли ижобий клиник ва реабилитацион самараси, субхондрал туннелизация суяк ичидаги босимни пасайтириш, тоғай ва суяк озикланишини яхшилашга имкон берган, беморда тизза бўғими фаолияти тикланишини таъминлаган, оғриқ синдроми ва ҳаракатдаги ноқулайликни камайтирган, шу асосда ушбу касаллик истиқболини белгиловчи мезонлар ишлаб чиқилганлиги, ушбу операциялар натижасида беморлар ҳаёт сифати ошганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тизза бўғими остеоартрити турли даражаларига клиник ва инструментал текшириш натижаларига қараб, 5 та артроскопик операция усули, клиник-ташҳисий алгоритм тавсия этилганлиги, тизза бўғими остеоартрити билан оғриган беморларда кам

инвазив юқори самарали комплекс даво усули жаррохлик амалиёти учун тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тизза бўғими остеоартритларида артроскопик дебридемент ва чуқур туннелизация усулларини қўллаб даволашни такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

«Катталар тизза бўғимлари артрозини оператив даволаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 29 ноябрдаги 8н-д/290-сон хулосаси). Олинган натижалар тизза бўғими остеоартрозини артроскопик даволаш орқали натижаларнинг яхшиланиши исботлаш имконини берган;

«Тизза бўғими артрозини оператив даволаш усули» фойдали модели тасдиқланган (Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали модельга патенти №FAP 01454, 16.04.2019). Олинган натижалар тизза бўғими фаолиятини тиклашга имкон берган;

ТБОВАларида артроскопик дебридемент ва чуқур туннелизация усулларини қўллаб, даволашни такомиллаштириш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, шу жумладан Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали, Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 сентябрдаги 8н-з/119-сон хулосаси). Олинган натижаларнинг амалий тиббиётга жорий этилиши бюджет маблағларини тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 5 та илмий мақола, жумладан 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 112 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш,

ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тизза бўғими остеоартритларида артроскопик даволашнинг замонавий жиҳатлари» деб номланган биринчи бобида замонавий илмий адабиётлар таҳлили, шу жумладан тизза бўғими остеоартрити шаклланиши, этиологияси ва патогенезига замонавий қарашлар, тизза бўғими остеоартритининг таснифи хусусиятлари, тизза бўғими остеоартритининг ташҳисига замонавий қарашлар, тизза бўғими остеоартритини консерватив ва оператив даволаш усуллари тавсифи тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган. Ушбу патологик ҳолатларда тизза синовиал суюқлигидаги ўзгаришлар ва уларнинг клиник аҳамияти муҳокама қилинган.

Диссертациянинг «Клиник материал ва қўлланилган текшириш усуллари характеристикаси» деб номланган иккинчи бобида клиник материалга тавсиф ва фойдаланилган усуллар баён этилган. ТБОА билан даволанган 189 нафар беморларда текширувлар олиб борилган. Касалликнинг кечиши давомийлиги беморлар анамнезидан 3 ойдан 10 йилгача бўлган. Жами 189 нафар беморлар 21 ёшдан 70 ёшгачани ташкил этиб, уларнинг 145 нафарини (76.7%) аёллар, 44 нафарини (23.3%) эркаклар ташкил этган (1-жадвал). ЖССТ классификацияси бўйича (2018) беморлар ёшга боғлиқ таснифи қуйидагича бўлган: 25-44 ёш - ёшлар; 45-59 ёш - ўрта ёшлилар; 60-74 ёш - қариялар; 75-90 ёш кексалар; 90 ёшдан катталар - узок умр кўрувчилар.

1-жадвал

Беморларнинг ёши бўйича таснифланиши

Жинси	25-44 ёш		45-59 ёш		60-74 ёш		Жами	
	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
Эркаклар	16	8,5	24	12,7	4	2,1	44	23,3
Аёллар	26	13,7	95	50,3	24	12,7	145	76,7
Жами	42	22,3	119	62,9	28	14,8	189	100

Тадқиқот ўтказиш давомида беморлар тизза бўғимида турли даражадаги остеоартритлар ташҳислари қўйилган: I-даражали ТБОА 74 (39,2%) нафар; II-даражали ТБОА 65 (34,4%) нафар; III-даражали ТБОА 50 (26,4%) нафар беморларда. Жами 148 (78,3%) нафар беморда тизза бўғими артрози билан бирга синовит ҳам қўшилиб келиши кузатилган. Шу муносабат билан беморлар синовиал суюқлиги биокимёвий усуллар ёрдамида ўрганилган.

Ушбу биокимёвий тадқиқотлар жарроҳлик операциясигача ва ундан кейин ўтказилган. Бунинг учун улар 2 гуруҳга ажратилган: 1-гуруҳ - жарроҳлик операциясигача бўлган беморлар (n=35); 2-гуруҳ - жарроҳликдан кейин синовиал суюқлик (n=54) ўрганилган. Иккинчи гуруҳ ўз навбатида 2 гуруҳчага бўлинган - стандарт СТ, бўғим дебридементи (n=30), чуқур СТ,

бўғим дебридементи (n=24) ўтказилганлар. Барча ташхислар Касалликлар Халқаро Классификацияси (КХК-10) - International Statistical Classification of Diseases and Related Health Problems 10 th Revision Version for (2007) бўйича верификация қилинган.

Беморларга клиник ташхис қўйиш учун қуйидаги махсус усуллар қўлланилган:

Гониометрик текшириш усуллари. Соғлом одамларнинг бўғимларида ҳаракатланиш оралиғини аниқлаш ҳаракат амплитудаси ва ўртача қийматни ўз ичига олади.

Рентгенологик текшириш усуллари. Рентгенография, тик турган ҳолатда стандарт усул бўйича ўтказилган. Рентгенографияда бўғим тирқиши ҳажми, суяк остеосклероз ҳолати яққоллиги, суяк ўқи деформациялари ва остеофитлар визуал кўриб баҳоланган. ТБОАнинг рентгенологик даражалари Kellgren & Lawtence (1957) классификациясига мос келувчи ҳолат бўйича ажратилган. Бунда касалликнинг 0 даражасида консерватив даво ўтказилди, I-, II-, III-даражаларида дифференциал даволаш комплекси белгиланди, IV даражада эса эндопротезлаш тавсия қилинди.

MPT билан текшириш усули. Барча текширишлар 1,5 TLга эга аппаратлар ёрдамида ўтказилган. Бунда бўғим бўшлиғида суюқлик мавжудлиги, турли қисмларида бўғим тоғайи қалинлиги, бўғим ичи структурасининг яхлитлиги, шунингдек суяк тўқимасидаги ўзгаришлар (суяк кўмиги шиши) таҳлил қилинган.

Рентгенденситометрик текшириш усули. Рентгенденситометрик текшириш натижаларини таҳлил қилишда беморнинг ёшига қараб, T- ва Z-мезонлар кўрсаткичларидан фойдаланилган: – 1,0 SD гача стандарт оғиш = норма; –1,0 дан –2,5 SD гача стандарт оғиш = остеопения, –2,5 SD дан паст стандарт оғиш = остеопороз деб ҳисобланган.

Синовиал суюқликни биокимёвий текшириш. Глютатионредуктаза (ГР) фаоллиги NADPH нинг оксидланиш ҳолати билан ўлчанган (Юсупова Л.Б., 1989). Қон зардоби ва тўқималарда каталаза фаоллиги каталаза сони билан ифодаланган. Калций миқдорини аниқлашда электролитларнинг тизимли индексини ҳисоблаш формуласидан фойдаланилган ва ммоль/л бирликда белгиланган (Десятниченко К.С. ва ҳаммуал, 1999). Ионланган калций қийматларини ҳисоблаш учун протеиннинг умумий миқдори биурет усули билан аниқланган. Ионланган калций индекси махсус формула бўйича ҳисоблаб чиқилган (Данилова Л.А. бўйича, 2003). Умумий фосфолипидлар миқдорини уларнинг алоҳида фракцияларида умумий липидларни минерализациялангач, ҳосил бўлган ноорганик фосфор миқдори баҳоланган. Фосфолипидлар фракциялари юпка қатламли хроматография бўйича ажратилган (Mamadaliyeva N.I. et al., 2016).

Артроскопик амалиёт «Karl Storz» (Германия) фирмасига тегишли аппаратда ўтказилган. Тизза бўғими артроскопияси доимий физиологик эритма юборган ҳолатда ювиб, бажарилган. Асосан олдинги медиал ва олдинги латерал стандарт киришдан фойдаланилган. Қўшимча олд кириш

диагностик қисқич киргизиш, бошқа хирургик инструментлар киргизиш ва амалиёт бажариш мақсадида фойдаланилган.

Натижаларни статистик ишлаш учун анъанавий вариацион статистика усулларидан фойдаланилган. Унда ўртача арифметик миқдор (M), ўртача миқдор хатоси (m) ва ишончлилиқ мезони (t) аниқланган.

Диссертациянинг «Тизза бўғими остеоартрити кузатилган беморларда оператив даволаш усулини ишлаб чиқиш натижалари» деб номланган учинчи бобида ТБОА ташҳисланган беморларнинг клиник тавсифи, шу патологик ҳолат кузатилган катта ёшли беморларни даволаш учун ишлаб чиқилган оператив даво усули тавсифи, ТБОА даражасидан келиб чиқиб, артроскопик даво турини танлашда клиник-диагностик алгоритм келтирилган.

ТБОА кузатилган беморларни клиник текшириш натижасида пай узилиши, синовиал парда ҳолати ва хондромалаяция аломатларига доир бир неча клиник аломатлар ҳам аниқланган. 134 ҳолатда (70,9%) синовиал қобикнинг гипертрофиялангани аниқланган, шунингдек, синовиал парда ранги кўп ҳолларда (55,0%) гиперемия ҳолатида бўлгани кузатилган. Аниқланишича, сон суяги дўнги бўғим юзаси хондромалаяцияси мавжуд бўлиб, у медиал дўнгда 76 ҳолатда (38,6%), латерал дўнгда эса 11 ҳолатда (5,8%) аниқланган. Катта болдир суяги дўнги бўғим юзаси хондромалаяцияси ҳам аниқланиб, бу ҳолат медиал дўнгда 92,1% беморларда аниқланган бўлса, иккала дўнгда учраш даражаси 7,9% ни ташкил этган. Беморлар сон ва катта болдир суяклари медиал дўнглари бўғими юзаси хондромалаяцияси 81,4% беморларда кузатилган, латерал дўнглари бўғими юзаси хондромалаяцияси 16 нафар беморларда (18,6%) ташҳисланган.

Аниқланишича, 137 ҳолатда (72,5%) латерал мениск узилмасдан ўзгаришсиз қолган, 52 ҳолатда эса (27,5%) ушбу мениск узилиши қайд этилган. Шулардан бўйлама узилиш 7 нафар (3,7%), лахтакли, мураккаб узилиш 13 нафар (6,9%) ва дегенератив ўзгаришлар (ёки узилишлар) 32 нафар (16,9%) беморда аниқланган. Медиал мениск узилишлари бўлса латерал менискка нисбатан кўп учраган, латерал мениск ўзгаришсиз қолиши 72,5% ҳолатда аниқланган бўлса, медиал менискда бу кўрсаткич 15,3% ни ташкил этган (4,7 марта кам). Медиал мениск узилишлари бўйича латерал менискдаги узилишлар тақсимооти тенденцияси сақланиб қолган.

ТБОА кузатилган беморларда денситометрик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатганки, 42,9% ҳолатда кўрсаткичлар меъёр даражасида (Normal) бўлган, агар остеопения даражаси 52,4% ҳолатда ташҳисланган бўлса, остеопороз 9 нафар (4,7%) беморга қўйилган. Олинган натижалар ушбу беморларда асосан остеопения аниқланишини кўрсатган.

Диссертация иши кейинги босқичи катта ёшли беморларда ТБОАни жарроҳлик даволашда янги усулни ишлаб чиқиш ва амалий соғлиқни сақлашга жорий этишга бағишланган.

Ушбу муаммони ҳал қилиш учун ТБОАни артроскопик даволаш усули тавсия қилинган, шу жумладан тизза бўғими соҳалари ва тизза қопқоғи

субхондрал декомпрессион туннелизация қўллаган ҳолда жароҳатга асептик боғлам қўйилган. Бундай ҳолда туннелизациядан олдин хондромалаяция ўчоқларида артроскопик дебридмент ўтказилган, хусусан хондромалаяция ўчоқлари артроскопик назорат остида аниқланган, уларнинг ҳажми, сон ва катта болдир бўғим юзалари хондромалаяция даражаси аниқланган, шу билан бирга бўғимда ҳаракат чекланиши бўлган вақтларда артроскопик қайчилар ёрдамида тизза қопқоғи мобиллиги таъминланган, жароҳатланган ёки дегенератив ўзгарган мениск бўлаклари олиб ташланган, шейвер ёрдамида кирралари текисланган. Тизза бўғими хондромалаяция ўчоғидан келиб чиққан ҳолатда 70⁰ дан 160⁰ гача бўлган бурчак оралиғида диаметри 2 мм бўлган сиклар ёрдамида туннеллар ҳосил қилинган. Туннеллар хондромалаяция ўчоғининг бўғим юзалари соҳасидан суяк каналигача ўтказилган, бунда туннеллар орасидаги масофа 5 ммдан кам бўлмаган ҳолатда амалга оширилган. Бу усулга Интеллектуал мулк агентлиги томонидан фойдали моделга FAP №01454 рақамли патент олинган.

Артроскопик назорат кам инвазив хусусиятга эга бўлиб, хондромалаяция ўчоқларини, уларнинг ўлчамларини, сон ва катта болдир бўғим юзаларида хондромалаяция даражаларини аниқлаш имконини берган. Тизза бўғими ҳаракат фаолиятида чекланишлар бўлганда тизза қопқоғини мобилизация қилиш бўғим фаолиятини яхшиланишига олиб келган.

ТБОА билан оғриган беморларни даволаш ва оператив даво тактикасини танлашда қуйидаги клиник ва диагностик мезонлардан фойдаланилган ҳамда шу асосда клиник-диагностик алгоритм ишлаб чиқилган: бемор шикоятлари (тизза бўғимида оғриқ - тарқалган, локал, диффуз; шиш; гониометрик кўрсаткичлар (тизза бўғими ҳаракати⁰ ларда, ҳаракат амплитудаси); рентгенологик кўрсаткичлар (I-, II-, III-даража, тизза бўғими остеоартрити); МРТ кўриниши (тизза бўғими остеоартрити, бўғим ичи структураси жароҳати билан); рентгенденситометрик кўрсаткичлар (Т- ва Z-мезонлари).

Таклиф қилинган клиник-диагностик алгоритм асосида ЭХМ дастури ишлаб чиқилган, унга Интеллектуал мулк агентлиги томонидан DGU 06342-рақамли гувоҳнома берилган.

Туннелизация амалиётидан сўнг беморларда оғриқ синдроми йўқолиб, ҳаракатдаги ноқулайлик безовта қилмаган. Субхондрал туннелизация бўғим фаолияти тикланишини таъминлаган. Операциядан кейин тизза бўғимида, беморлар юриши вақтида операция қилинган оёғида оғриқ камайиб, беморнинг тузалишга бўлган ишончи ортган.

Диссертациянинг **«Артроскопик дебридмент ва субхондрал туннелизация усулини турли даражадаги тизза бўғими остеоартритида қўллаш натижалари»** деб номланган тўртинчи бобида артроскопик дебридмент ва чуқур субхондрал туннелизация усулини турли даражадаги ТБОАда қўллаш орқали тахҳислаш ва даво муолажалари натижаларини яхшилаш усуллари келтирилган. Барча даволанган беморлар 2 гуруҳга бўлиб ўрганилган: назорат ва асосий гуруҳ. Асосий гуруҳга чуқур субхондрал туннелизация + дебридмент + менискэктомия операцияси ўтказилган 89

нафар бемор киритилган, назорат гурухи ўз ўрнида 2 гуруҳга бўлинган 100 нафар бемор киритилган: менискэктомия + бўғим дебридменти беморда (1-гуруҳ) ва стандарт субхондрал туннелизация + бўғим дебридменти беморларда ўтказилган (2-гуруҳ).

Оператив муолажа беморлар чалқанча ётган ҳолатда умумий оғриқсизлантириш ёки умумий маҳаллий анестезия остида амалга оширилган. Антеромедиал йўл билан бўғим ичига кириб, у 0,9% ли физиологик эритма билан тўлдирилган. Кўрилганда бўғим ичи структураси ташхисланган, менисклар бутунлиги, стабиллиги, улардаги дегенератив ўзгаришлар мавжудлиги, сон-болдир бўғими юзаси ҳолати, тоғай қаватнинг бутунлиги, эластиклиги, хондромалаяция ўчоқларининг мавжудлиги, унинг ўлчамлари ва даражаси, хондром таналар, бўғим юзаларида остеофитлар мавжудлиги аниқланган. Олдинги ва орқа бутсимон боғламларнинг ҳолати, бутунлиги, стабиллиги ва функционал ҳолати артроскопик ўрганилган. Менисклар жароҳатланганда менискэктомия қилинган. Остеоартрит турли даражаларида хондромалаяция ўчоқлари билан бирга келганда зарарланиш локализациясига қараб хондромалаяция ўчоғига ишлов бериб, сихлар ёрдамида стандарт ва чуқур субхондрал туннелизация қилинган. Тизза бўғими остеоартрити синовит билан бирга келган ҳолатларда бир вақтнинг ўзида локал, қисман, тўла дебридмент, стандарт ёки чуқур субхондрал туннелизация қилинган. Туннелизациялар сони денситометрик кўрсаткичлар асосида амалга оширилган.

1-назорат гуруҳидаги 85 нафар беморда артроскопик дебридемент ва менискэктомия билан чекланилган, ушбу беморларда хондромалаяция ўчоқларининг чуқур бўлмагани улар даражаси билан асосланган, 78,9% ҳолатда «яхши», 17,6% ҳолатда «қониқарли», 3,5% ҳолатда эса ортопедик қоидаларга риоя қилмаганлиги сабабли «қониқарсиз» натижа олинган, бу физиотерапевтик муолажалар ва ДЖТ ёрдамида бартараф қилинган.

2-назорат гуруҳидаги беморларда 80,4% ҳолатда «яхши», 14,3% ҳолатда «қониқарли», 5,3% ҳолатда «қониқарсиз» натижалар олинган. Жами 96,4% беморларда тинч ҳолатдаги оғриқлар йўқолган. Артроскопик амалиётдан сўнг 3-5-суткаларда беморлар ўзини яхши ҳис қилиб, операция қилинган оёқда оғриқлар йўқолган. 7-суткадан сўнг тизза бўғимида ҳаракат амплитудаси ошиб борган. Барча беморларда (100%) тизза бўғими ҳаракат фаолияти тикланган, ҳаракат амплитудаси ошган, юргандаги ноқулайлик йўқолган. Операциядан сўнг барча ҳолатларда беморлар умумий ҳолатида ўзгаришлар кузатилмаган, яққол соматик ўзгаришларсиз ўтган.

Асосий гуруҳидаги беморларда артроскопик қисман дебридемент + чуқур субхондрал туннелизация + менискэктомия 48 нафар беморда бажарилган. Натижалар юқоридагиларга ўхшаш бўлган: 80,0% ҳолатда «яхши», 15,0% ҳолатда «қониқарли», 5,0% ҳолатда эса «қониқарсиз» натижалар олинган. Жами операция қилинган беморларнинг 45 нафарида (93,7%) оғриқлар тўлиқ йўқолган, 3 нафар (6,3%) беморда доимий бўлмаган функционал зўриқишда кучаядиган оғриқлар сақланиб қолган.

Тизза бўғими остеоартритини артроскопик даволашдан кейинги яқин муддатдаги натижалар таҳлили ўтказилган (2-жадвал).

2-жадвал

ТБОА кузатилган беморларни артроскопик даволаш натижаларининг яқин муддатдаги кўрсаткичлари

Операция тури	Беморлар сони	Анатомо-функционал натижалар		
		Яхши	Қон-ли	Қон-сиз
Артроскопик локал дебридемент+менискэктомия	85/44,9	63/74,1	19/22,4	3/3,5
Артроскопик локал дебридемент+стандарт субхондрал туннелизация+ менискэктомия	56/29,6	36/64,3	16/28,6	4/7,1
Артроскопик дебридемент+ чуқур субхондрал туннелизация+ менискэктомия	48/25,5	38/79,1	8/16,7	2/4,2
Жами	189/100,0	137/72,5	43/22,7	9/4,8

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, 1-назорат гуруҳидаги операция ўтказилганда «яхши» натижалар 78,9% ҳолатда (n=67) олинган, 85 нафар беморнинг 15 нафариди (17,6%) «қониқарли», натижалар кузатилган бўлса, фақатгина 3 ҳолатда (3,5%) «қониқарсиз» натижа аниқланган. Шунга ўхшаш баҳолашлар тенденцияси артроскопик локал дебридемент + стандарт субхондрал туннелизация + менискэктомиядан кейин ҳам кузатилган. Солиштирилаётган оператив усуллар орасида энг яхши натижа артроскопик дебридемент + чуқур субхондрал туннелизация + менискэктомия биргаликда ўтказилганда олинган. «Яхши» натижалар кўрсаткичи 87,5% бўлгани ҳолда, «қониқарли» кўрсаткичлар 10,4% ҳолатда учраган.


Операциядан кейинги давр беморларнинг катта қисмида (94,7%, n=182) асоратсиз ўтган. Беморларда тизза бўғими операциясидан кейинги даврда имобилизация қилинмаган, бу эса беморларни эрта реабилитация қилиб, фаол ҳаёт тарзига тезроқ қайтариш имконини берган.

